2023-yil – Insonga e’tibor va sifatli ta’lim yili

Qishloq hayoti

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETASI

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

2023-yil 9-may, seshanba | № 20 (9236)-son | e-mail: infoqishloqhayoti@yandex.ru @Qishloqhayoti_gazetasi

ЯНГИЛАНГАН КОНСТИТУЦИЯМИЗ УЧИНЧИ РЕНЕССАНСНИ БАРПО ЭТИШ ЙЎЛИДА МУСТАҲКАМ ҲУҚУҚИЙ ПОЙДЕВОР БЎЛИБ ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталари аъзолари, сиёсий партиялар ва жамоатчилик вакиллари билан учрашувдаги нутқи

Ҳурматли парламент аъзолари, сиёсий партиялар ва жамоатчилик вакиллари!

Ҳурматли йиғилиш қатнашчилари!

Хабарингиз бор, шу йил 30 апрель куни мамлакатимиз ҳаётида, ҳеч шубҳасиз, том маънодаги улкан тарихий воқеа бўлиб ўтди. Биринчи марта умумхалқ референдуми асосида янгиланган Конституциямизни қабул қилдик.

Референдумда қатнашган фуқароларимизнинг мутлақ кўпчилиги “Бу – менинг Конституциям”, деб ғурур билан овоз берди.

Референдум кейинги йилларда халқимизнинг сиёсий онги, ҳуқуқий маданияти ва дунёқараши нақадар юксалганини амалда кўрсатди. Ушбу тарихий танлов орқали халқимиз бундан олти йил олдин бошлаган ислоҳотларимизга катта ишонч билан қараб, уларни тўла қўллаб-қувватлашини яна бир бор намоён этди. Эл-юртимизнинг ана шундай азму қарори асосида давлатчилигимиз ва иқтисодиётимизни бундан кейин ҳам барқарор ривожлантириш учун мустаҳкам замин яратилди.

Буларнинг барчаси – миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир юртдошимиз “қилса бўлар экан-ку”, деб, ўз рўзғори, оиласи мисолида юртимизда юз бераётган катта ўзгаришларни яққол сезаётганидан далолат эмасми?

Конституциямиз лойиҳасини муҳокама қилишдан бошлаб то уни қабул қилгунча бўлган даврда ўтказилган умумхалқ муҳокамаларида миллионлаб юртдошларимиз фаол ва муносиб иштирок этдилар. Шу нуқтаи назардан қараганда, янгиланган Конституциямизнинг чинакам муаллифи халқимиз бўлди, деб айтишга барча асосларимиз бор.

Энг муҳими, энди ислоҳотларимиз йўлидан ҳеч қачон ортга қайтмаймиз, “инсон – жамият – давлат” деган янги тизим асосида фақат ва фақат олдинга қараб борамиз.

Албатта, халқимизнинг референдумдаги овози, билдирган юксак ишончи барчамизга катта масъулият юклайди, эл-юртимизни рози қилиш учун бизни янги марраларга ундайди, ислоҳотларни жадал давом эттиришда янада катта куч-ғайрат ва илҳом бағишлайди.

Фурсатдан фойдаланиб, ўзининг юксак фуқаролик бурчини чин дилдан адо этиб, Асосий қонунимизни қабул қилишда амалий таклиф ва ташаббуслари, ғоя ва фикрлари билан фаол иштирок этган кўпмиллатли, мард ва олижаноб халқимизга таъзим қиламан.

Шу билан бирга, жамиятимиздаги янгиланиш ва ўзгаришларни амалга оширишда жонбозлик кўрсатиб, эзгу ишларимизда бизни қўллаб-қувватлаб келаётган муҳтарам нуронийларимиз, илм-фан ва маданият арбоблари, зиёлиларимизга, жонкуяр ўқитувчи-мураббийлар ва шифокорларимизга, иқтисодиётимиз ривожига янги куч бераётган тадбиркорларимизга, ишчи-хизматчилар, миришкор деҳқон ва фермерларимизга, кластерлар ходимларига, жамиятимизнинг таянч устуни бўлмиш маҳалла раислари, ҳоким ёрдамчилари, ёшлар етакчилари, хотин-қизлар фаоллари ва профилактика инспекторларига, келажагимиз эгаси бўлган азму шижоатли ёшларимизга, бир сўз билан айтганда, Ўзбекистоннинг барча ҳақиқий ватанпарварларига самимий миннатдорлик билдираман.

Айни пайтда халқ билан мулоқот қилиб, унинг фикрини олиб, Асосий қонунимизни такомиллаштиришга ўз ҳиссасини қўшган Конституциявий комиссия аъзоларига, барча депутат ва сенаторлар, сиёсий партиялар вакилларига, қонун лойиҳасини халқаро стандартлар асосида ишлаб чиқишда фаол иштирок этган олимлар, маҳаллий ва хорижий экспертларга, референдум жараёнларини ҳаққоний ёритиб, ўзининг холис фикрларини билдирган барча оммавий ахборот воситалари ходимларига, халқаро кузатувчиларга алоҳида ташаккурлар айтаман.

Азиз ватандошлар!

Ҳеч шубҳасиз, халқимиз ўз танловини амалга ошириб, янгиланган Конституция учун овоз берган 30 апрель санаси тарихимизда унутилмас ёрқин саҳифа бўлиб қолади. Айнан шу куни кўпни кўрган, ҳаёт маъносини, тинчлик ва инсон қадрини чуқур англайдиган эл-юртимиз демократия, эркинлик ва тенглик, ижтимоий адолат ва бирдамлик ғояларига садоқатини яна бир бор амалда тасдиқлади.

Қадим тарихимиздан келиб чиққан ҳолда, ота-боболаримизга хос эзгу қадриятларни рўёбга чиқариш, яъни инсонни улуғлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, одамларимиз билан бамаслаҳат иш кўриш биз учун чинакам демократия намунасидир.

Халқимизда “Бирдамлик бор жойда илдамлик бор”, деган доно нақл бежиз айтилмаган. Чиндан ҳам, ўзаро аҳиллик ва ҳамжиҳатлик бўлган юртда албатта қут-барака, тараққиёт бўлади.

Бизнинг энг катта бойлигимиз – Ўзбекистонни ўзи учун ягона Ватан деб биладиган кўпмиллатли буюк халқимиздир. Жонажон юртимизда қарор топган миллатлараро дўстлик ва аҳилликни – мана шундай бебаҳо хазинамизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш барчамизнинг олий бурчимиздир.

Ҳурматли йиғилиш иштирокчилари!

Янгиланган Конституциямизнинг биринчи моддасида Ўзбекистон – суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат деб, қатъий белгилаб қўйилгани тарихий аҳамиятга эга. Халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан Асосий қонунда муҳрланган бу принциплар – мамлакатимизнинг тараққиёт йўли ва тақдирини, унинг келажагини белгилаб берган ушбу “бешта устун” ҳеч қачон ўзгартирилмайди.

Дунёда кундан-кунга янги-янги синовлар, хавф-хатар ва таҳдидлар пайдо бўлаётганини барчангиз кўриб турибсиз. Энг нуфузли сиёсатшунос ва экспертлар ҳам, “ақл марказлари” ҳам жаҳонда содир бўлаётган ҳозирги зиддият ва тўқнашувлар қачон ва нима билан тугашини айта олмаяпти.

Шундай мураккаб вазиятда, ҳар бир ишимизда, қабул қилаётган барча қонун ва қарорларимизда фақат ва фақат халқимиз, Ватанимиз манфаатлари энг устувор ўринда туриши шарт. Бунинг учун, биринчидан, ота-боболаримизнинг асрий армони бўлган, тенгсиз ва буюк неъмат – мустақиллигимизни асраб-авайлаш, уни янада мустаҳкамлаш ва келгуси авлодларга мерос қилиб қолдириш барчамиз учун ҳаёт-мамот масаласи эканини унутмаслигимиз зарур.

Бизнинг уч минг йиллик давлатчилик тарихига, бой ва бетакрор маданиятга эга бунёдкор халқимиз бор. Қирқ миллионга яқинлашиб бораётган бугунги Ўзбекистон халқининг тақдири ва истиқболи, фаровон ҳаёти учун барчамиз масъул ва жавобгармиз. Шу сабабдан юртимизда тинчлик ва барқарорликни асраш ва мустаҳкамлаш бундан буён ҳам энг муҳим вазифамиз бўлиб қолади.

Шу мақсадда миллий хавфсизликни таъминлаш, Қуролли Кучларимиз жанговар салоҳиятини оширишга қаратилган ишларимизни янги босқичга олиб чиқамиз.

Эл-юртимизнинг тинч-осойишта ҳаётини таъминлаш учун “хавфсиз шаҳар”, “хавфсиз маҳалла”, “хавфсиз кўча” концепцияларини жадал амалга оширамиз. Бунинг учун янги ташкил қилинган “маҳалладаги бешлик” тизимини давлат ва жамият томонидан ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаймиз. Фуқаролараро тотувлик, миллатлараро дўстлик ва бағрикенглик муҳитини янада мустаҳкамлаш учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз.

Дунёдаги ҳозирги мураккаб вазиятда тинчликсевар ташқи сиёсатимизни давом эттириб, узоқ ва яқин давлатлар билан дўстлик алоқаларини, барча соҳаларда ўзаро ҳамкорликни ривожлантирамиз.

Биз мамлакатимиз суверенитетини янада мустаҳкамлашда глобал иқлим ўзгариши, озиқ-овқат, энергетика, логистика билан боғлиқ хавф-хатарлар, сув тақчиллигининг салбий таъсирини юмшатиш бўйича янги ташаббус ва дастурлар ишлаб чиқиб, ҳамкорларимиз билан бирга фаол иш олиб борамиз.

Иккинчидан, биз Ўзбекистонни ижтимоий давлат, деб эълон қилдик.

Мамлакатимизда 2 миллион 200 мингдан зиёд оилалар ижтимоий кўмакка муҳтож. Аҳолимизнинг 55 фоизи ёшлардан иборат.

Шу ўринда бир масалага эътиборингизни қаратмоқчиман. Янгиланган Конституциямизда давлатнинг ижтимоий мажбуриятлари 3 баробар кўпайтирилмоқда. Бу рақамни айтиш осон, лекин уни амалда таъминлаш учун жуда кўп ишлашимиз зарур. Бунга давлат бюджетидан ҳар йили қўшимча 30-40 триллион сўм ажратиш керак бўлади. Бунинг ҳисобидан, ҳар йили юзлаб янги боғчалар, мактаб ва шифохоналар қуришимиз лозим.

Ёшлар сиёсатини, таълим-тарбия, илм-фан, маданият ва спорт соҳаларини ривожлантиришни устувор вазифа сифатида юқори босқичга кўтариш бўйича ҳам янги имкониятларни сафарбар этамиз.

Ўзимизга савол берайлик, нима учун аҳолимиз референдумда бунчалик фаол бўлди?

(Давоми 2-саҳифада)

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ҚАТНАШЧИЛАРИ ҲОЛИДАН ХАБАР ОЛИНДИ

Юртимизда Хотира ва қадрлаш куни кенг нишонланмоқда. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари рағбатлантирилиб, саломатлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, шу кунларда уларнинг бир гуруҳи санаторийларда даволанмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев 8 май куни Тошкент шаҳридаги “Chinobod Plaza” санаторийсига бориб, уруш қатнашчилари ҳолидан хабар олди. Анорбой ота Жалилов, Ашир ота Ўсаров, Антонина Коломенцева, Тўлаган ота Имомов, Аббос ота Аппанов билан дилдан суҳбатлашди.

– Сизларни кўрай, байрам билан табриклай деб келдим. Бу, аввало, сизларнинг байрамингиз. Ўша пайтлардаги жасорат ва матонатингиз туфайли кейинги авлодлар тинч, эркин яшади. Машаққатли меҳнат ва зафарларга тўла ҳаёт йўлингиз бугунги ёшлар учун чинакам ибрат мактаби, ватанпарварлик мактаби, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Сиз билан бутун эл-юртимиз фахрланади, – деди давлатимиз раҳбари.

Уруш қатнашчилари ҳурмат ва меҳр оғушида яшаётгани, соғлиғи яхши, ҳаётидан рози эканини айтди. Ўзлари истиқомат қилаётган ҳудудда, фарзанд ва набирларининг ҳаётида бўлаётган ўзгаришлар ҳақида гапирди.

– Мана, яқинда янгиланган Конституциямизни қабул қилдик, – деди Президент. – Мамлакатимиз ривожини ошириш, халқимиз ҳаётини яхшилаш бўйича катта марралар олдик. Мана шундай ўзгаришлар пайтида сиздек катта тажрибага эга инсонларнинг ёнимизда бўлиши, маслаҳатларингизни олиш бизга чексиз куч-ғайрат беради.

Нуронийлар эътибор ва ғамхўрлик учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, хайрли дуолар қилди.

– Табаррук дуоларингизни олиш, сизга қўшилиб халқимизнинг тинчлигини сўраш – катта бахт. Ҳаётда кўп-кўп синовларни кўрган, қарийб бир асрлик ҳаёт тажрибасига эга бўлган сиздай муҳтарам инсонларнинг дуолари ижобат бўлади. Нуронийларимиз учун барча зарур шароитларни яратишга бундан буён ҳам катта эътибор қаратамиз. Бу – биз учун муқаддас бурч ва вазифадир, – дея таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Ғалаба боғига ташриф буюриб, “Матонат мадҳияси” ёдгорлик мажмуасига гулчамбар қўйди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан барпо этилган бу мажмуа халқимизнинг урушдаги йўқотишлари, тинчлик учун кураши ва улкан ҳиссасини ифодалайди. Шу боис боғ ҳар доим, айниқса, байрам кунларида ёшу кексалар билан гавжум.

Бу йил ҳам 9 май – Хотира ва қадрлаш куни кенг нишонланмоқда. Президент фармонига мувофиқ, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари рағбатлантирилмоқда. Уларнинг саломатлиги ҳамиша эътиборда.

Ғалаба боғида Қуролли Кучлар тизимига кирувчи вазирлик ва идоралар, давлат ташкилотлари вакиллари жам бўлди. Улар ҳам мажмуа пойига гуллар қўйди.

ЎзА

ЯНГИЛАНГАН КОНСТИТУЦИЯНИ ҲАЁТГА ЖОРИЙ ЭТИШ БЎЙИЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 8 май куни Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар, суд ва ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари ҳамда жамоатчилик фаоллари билан мулоқот қилди. Унда янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини қабул қилиш бўйича шу йил 30 апрелда бўлиб ўтган референдум якунлари ҳақида сўз борди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида янгиланган Конституциямизда барча қатлам манфаатлари инобатга олинганлиги, уни ишлаб чиқишда аҳоли фаол иштирок этганлиги ҳамда референдум орқали қабул қилинганлиги ушбу ҳужжатнинг чинакам халқ Конституцияси бўлганидан далолат эканлигини таъкидлади.

– Конституциямиз лойиҳасини муҳокама қилишдан бошлаб то уни қабул қилгунча бўлган даврда ўтказилган умумхалқ муҳокамаларида миллионлаб юртдошларимиз фаол иштирок этдилар. Шу нуқтаи назардан қараганда, янгиланган Конституциямизнинг чинакам муаллифи халқимиз бўлди, деб айтишга барча асосларимиз бор. Энг муҳими, энди ислоҳотларимиз йўлидан ҳеч қачон ортга қайтмаймиз, “инсон – жамият – давлат”, деган янги тизим асосида фақат ва фақат олдинга қараб борамиз, – деди Президент Шавкат Мирзиёев.

Дунёда кундан-кунга янги синовлар, хавф-хатар ва таҳдидлар пайдо бўлаётган вазиятда Конституцияда Ўзбекистон “суверен давлат” сифатидаги мақомини мустаҳкамлади.

– Шундай мураккаб вазиятда, ҳар бир ишимизда, қабул қилаётган барча қонун ва қарорларимизда фақат ва фақат халқимиз, Ватанимиз манфаатлари энг устувор ўринда туриши шарт, – деди давлат раҳбари.

Янгиланган Конституцияда Ўзбекистон “ижтимоий давлат” деган тамойил муҳрланиб, давлатнинг бу соҳадаги мажбуриятлари билан боғлиқ нормалар 3 бараварга ошди.

– Бу рақамни айтиш осон, лекин уни амалда таъминлаш учун жуда кўп ишлашимиз зарур. Бунга давлат бюджетидан ҳар йили қўшимча 30-40 триллион сўм ажратиш керак бўлади. Бунинг ҳисобидан, ҳар йили юзлаб янги боғчалар, мактаб ва шифохоналар қуришимиз лозим.

Ёшлар сиёсатини, таълим-тарбия, илм-фан, маданият ва спорт соҳаларини ривожлантиришни устувор вазифа сифатида юқори босқичга кўтариш бўйича ҳам янги имкониятларни сафарбар этамиз.

(Давоми 2-саҳифада)

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

Ибрат

“ХОТИРЛАБ, ҚАДРЛАБ ЯШАЙЛИК ДЎСТЛАР!”

“Қишлоқ ҳаёти” газетасининг Наманган вилояти бўйича мухбири Равшанбек Мирзаолимов хотира ва қадрлаш куни арафасида кўнглига тугиб юрган бир тадбир ҳақида опа-укаларига маслаҳат солди ва уларнинг розилигини олгач, Норин тумани ҳокими Жўрабек Нурматовга мақсадини баён этди. Туман раҳбари, туман нуронийлар кенгаши, туман мактабгача ва мактаб таълими, маданият бўлими, Хўжақўрғонча фаоллари бир бўлишиб, тадбир режасини тузди.

Эзгу ният билан қилинган саъй-ҳаракат ўзининг самарасини берди. Норинкапа қишлоғида жойлашган 39-мактаб ва ёндаш спорт мажмуаси байрамона безатилди. Мирзаолимовлар сулоласи фахри бўлган донгдор пахтакор, бригада бошлиғи, Фарғона канали қурилиши қатнашчиси, боғча мудираси, Иккинчи жаҳон уруши даврида фронт ортида фидойилик намунасини кўрсатган Зебихон Умарова, уруш ва меҳнат фахрийси, узоқ масофага югуриш бўйича собиқ иттифоқ ва Ўзбекистон чемпиони, туман спорт қўмитаси раиси, моҳир педагог сифатида танилган Қоражон Мирзаолимов, унинг онаси, узоқ йиллар бошланғич синф ўқувчиларига дарс берган, биринчи даражали меҳнат фахрийси Каримахон Ҳайитоваларни ёд этишга бағишланган “Хотирлаб, қадрлаб яшайлик дўстлар!” маънвий-маърифий тадбири ана шундай кўтаринкилик билан бошланди. Меҳмонлар, маҳалла аҳли, спортчилар карнай-сурнай садолари остида стадионга кириб келди. Тадбирни туман ҳокими Жўрабек Нурматов очди. Мамлакатимиз равнақи, қишлоқ хўжалиги, халқ таълими ривожи йўлида фидойилик намуналарини кўрсатган марҳум инсонларнинг ибратли ишлари ҳақида кўплаб ҳаётий мисолларни келтирди. Тадбирда иштирок этган “Нуроний” жамғармаси Наманган вилояти кенгаши раиси, сенатор, “Эл-юрт ҳурмати” ордени соҳиби Икромхон Нажмиддинов, Республика Маънавият ва маърифат маркази Наманган вилояти бўлими раҳбари Мусохон Аппаков, Наманган давлат университети профессори Турсунбой Файзуллаев, меҳнат фахрийси Абдурашид Убайдуллаев, Мусулмонлар идорасининг тумандаги вакили Камолиддин Ҳамроқулов, журналист Равшанбек Мирзаолимов юртимизда инсон қадрни улуғлаш, меҳр кўрсатиш, ўтганларнинг руҳини шод этиш йўлида амалга оширилаётган хайрли ишлар ҳақида сўзлади.

Шундан сўнг вилоятнинг таниқли санъаткорлари ва жажжилар иштирокида дастур намойиш қилинди. Туман ёшлари спортнинг югуриш, арқон тортиш, теннис, шахмат-шашка каби турлари бўйича беллашди. Ғолибларга Мирзаолимовлар оиласи томонидан совғалар берилди. Қатнашчиларга эхсон оши тарқатилди. Ўтганлар руҳига Қуръон тиловат қилинди.

Маликахон ТОЖИБОЕВА,
Маънавият ва маърифат маркази Норин тумани бўлими раҳбари.

"Ахборот маконида ҳаққонийлик ва холислик бош мезон эканини унутмаслигимиз зарур"

ЯНГИЛАНГАН КОНСТИТУЦИЯМИЗ УЧИНЧИ РЕНЕССАНСНИ БАРПО ЭТИШ ЙЎЛИДА МУСТАҲКАМ ҲУҚУҚИЙ ПОЙДЕВОР БЎЛИБ ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталари аъзолари, сиёсий партиялар ва жамоатчилик вакиллари билан учрашувдаги нутқи

(Боши 1-саҳифада)

Нимага улар ислоҳотларимизни қўллаб-қувватламоқда? Чунки, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларимизнинг қишлоқ ва овулларидан тортиб, пойтахтимиз маҳалла ва кўчаларидаги улкан бунёдкорлик ва ободончилик ишларини ўз кўзлари билан кўраяптилар.

Биргина мисол, ўтган йилдан бошлаб "очиқ бюджет" тизимини жорий этганимиз қишлоқ ва маҳаллалардаги оддий одамларимиз кайфиятига қандай ижобий таъсир кўрсатганини ҳаммамиз кўриб, билиб турибмиз. Лекин, одамларимизнинг ўсиб бораётган талабларини қондириш учун ҳозиргидан кўра икки карра кўп ишларни бажаришимиз керак.

Яхши биласизлар, биз мамлакатимизда камбағаллик борлигини тан олиб, алоҳида дастурлар асосида уни қисқартириш бўйича катта иш олиб бормоқдамиз.

Шу мақсадда аҳоли, айниқса, ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, уларнинг даромадини ошириш борасида "учта дафтар", ижтимоий реестр тизимини йўлга қўйиб, салмоқли натижаларга эришдик. Лекин ҳали қиладиган ишларимиз ҳам оз эмас.

Бу борада одамларимиз янгиланган Конституциядан, биз жорий этаётган янги тизимдан кўп нарсаларни кутмоқда.

Аҳолимизга муносиб турмуш шароитларини яратиш учун, энг аввало, иқтисодий ўсишни таъминлаш зарур. Ялпи ички маҳсулотимиз ҳажмини ҳозирги 80 миллиард доллардан яқин йилларда 160 миллиард долларга етказиш учун бор имкониятларни ишга солишимиз керак. Бу – аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот ҳажми 4 минг долларга етади, дегани.

Биз бундан буён ҳам хусусий секторни қўллаб-қувватлаш, солиқ маъмурчилигини янада соддалаштириш, давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини камайтириш борасидаги ишларни жадал давом эттирамиз. Айниқса, қишлоқ ва сув хўжалиги, саноат, энергетика, транспорт, қурилиш соҳаларига катта-катта инвестициялар жалб қилинади.

Умуман, ҳукумат 1 августга қадар давлат ўзига олган ҳар бир янги мажбурият бўйича уларнинг маблағлари, ижро механизмлари, бу масалада масъул вазирлик ва ҳокимликлар ҳамда мутасаддилар аниқ кўрсатилган алоҳида дастур ишлаб чиқиб, парламентимизга киритади.

Учинчидан, Конституциямизда илк бор, Ўзбекистон Республикасига ҳуқуқий давлат деган таъриф берилди.

Бош қомусимизда инсон ҳуқуқлари кафолатларига оид нормалар ҳам 3 баробар кўпайтирилди.

Бу – аввалambор барча соҳада қонун устуворлиги таъминланади, дегани.

Бундан буён, қонунлардаги ноаниқликлар инсон фойдасига ҳал бўлади.

Энг муҳими, "Қонун – муқаддас, ҳар қандай ҳолатда ҳам адолатни қарор топтириш шарт!" деган қараш жамиятнинг ҳар бир аъзоси, айниқса, мансабдорлар учун ҳаёт қоидасига айланиши керак.

Шу билан бирга, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш учун судларнинг одил ва мустақил иш юритишини албатта амалда таъминлашимиз зарур.

Шу мақсадда, Асосий қонунимизда ҳеч ким суд қарорисиз 48 соатдан ортиқ ушлаб турилиши мумкин эмаслиги белгиланди. Эркинликни чеклашга фақат суд қарори асосида йўл қўйилиши ҳақидаги қоида мустаҳкамланди. Айбланувчига ўзига қарши кўрсатма бермаслик, яъни "сукут сақлаш" ҳуқуқи биринчи марта алоҳида белгилаб қўйилди. Адвокатлар мақоми оширилиб, уларнинг терговчи ва прокурор билан тенг ваколатга эга экани қайд этилди.

Албатта, Асосий қонунга киритилган бу илғор янгиликларни амалда жорий этиш осон бўлмайди, кўп жамиятлар бундай ўзгаришларни фақат орзу қилади. Бунинг учун суд-ҳуқуқ идораларининг кадрлар салоҳиятини яхшилаш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлашимиз зарур.

Энг муҳими, терговчи, прокурор, судья, адвокатларнинг билим ва малакаси, маънавий дунёсини юксалтириш билан бирга, аҳолининг ҳам ҳуқуқий маданиятини ошириш, ҳаммамиз учун дунёқарашимизни ўзгартириш талаб этилади. Қандай оғир бўлмасин, бу ишларни амалга оширишни замоннинг ўзи тақозо этмоқда.

Тўртинчидан, демократик тараққиёт йўлини қатъий давом эттирамиз.

Бош қомусимизда бу мақсадга эришиш кафолатларини янада кучайтирдик. Бизга инсон ва бизнеснинг оғирини енгил қиладиган, уларга сифатли хизмат кўрсатадиган ихчам ва самарали бошқарув тизими керак. Маъмурий ислоҳотларни айнан шу мақсадда бошладик. Биринчи босқичда ҳукумат ва вазирликлар ихчам қилиниб, уларнинг иш услуби ўзгартирилди. Навбатдаги вазифамиз – вилоят ва туман даражасида ҳам бошқарув сифатини оширишдан иборат.

Менинг энг катта ниятим – одамларни қийнаётган муаммоларни маҳалланинг ўзи ечадиган халқчил тизим яратиш. Шу боис, молия, солиқ, бандлик каби идораларнинг камида 30 фоиз ваколатларини маҳалла даражасига тушириш мўлжалланмоқда.

Шу билан бирга, янгиланган Конституциямиздаги ўзгаришлар бир қатор сиёсий ислоҳотларни ҳам назарда тутади. Бу борада парламент фаолиятида муҳим ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Қонунчилик палатасининг мутлақ ваколатлари амалдаги 5 тадан 12 тага, Сенатда эса 14 тадан 18 тага етказилди.

Айни пайтда, палаталарнинг ваколатларига ҳам аниқлик киритилди. Масалан, ҳукуматни шакллантириш, унинг фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш масалалари Қонунчилик палатасининг ваколатига ўтказилди.

Шу билан бирга, депутатларимиз асосий эътиборни қонунларнинг сифати ва таъсирчанлигини оширишга қаратадиган, уларнинг ижросини самарали ташкил этишда ҳукумат билан биргаликда қаттиқ ишлайдиган вақт келди.

Сенатнинг фаолияти эса ҳудудлар билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш, маҳаллий Кенгашларга ҳар томонлама кўмаклашиш, жойларда, айниқса, маҳаллаларда қонунлар ижросини таъминлашга йўналтирилиши зарур.

Буларнинг барчаси, депутат ва сенаторларимиз зиммасига катта масъулият юклаши табиий, албатта. Энди улар пастга тушиб, кўпроқ одамларимиз билан учрашиб, уларнинг муаммоларини эшитса, вазирлар ва ҳокимлар билан биргаликда ҳар бир масала бўйича аниқ ечимларни топса, бундан умумий ишимизга фақат фойда бўлади.

Бугунги кунда халқ овози ва фикрини кенг жамоатчиликка, давлат идоралари эътиборига олиб чиқаётган энг таъсирчан куч, бу – оммавий ахборот воситалари, журналистлардир.

Жамиятимиздаги очиқлик сиёсатини изчил давом эттириш мақсадида оммавий ахборот воситалари фаолиятининг эркинлиги, ахборот олиш, фойдаланиш ва тарқатишга бўлган ҳуқуқлар қатъий кафолатланмоқда.

Шу билан бирга, сўз эркинлиги, бу – масъулият ҳам дегани. Яъни ахборот маконида ҳаққонийлик ва холислик бош мезон эканини унутмаслигимиз зарур.

Айни пайтда нодавлат ташкилотларнинг ролини ошириш, ҳуқуқларини кафолатлаш орқали фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Бешинчидан, Ўзбекистон – дунёвий давлат ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Халқимизнинг референдум орқали билдирган хоҳиш-иродаси, қатъий танлови ҳам шу.

Бундан буён ҳам миллати, тили, дини ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, ҳар бир фуқаронинг виждон эркинлиги таъминланади. Барча диний конфессиялар эркин фаолият юритиши учун зарур шарт-шароитларни яратиб берамиз,

Мамлакатимизда миллатлар ва конфессиялар ўртасида тотувлик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш сиёсатини изчил давом эттирамиз. Жамиятимизда ҳар қандай радикаллашувга, диндан сиёсий мақсадларда фойдаланишга ҳеч қачон йўл қўймаймиз.

Ҳурматли йиғилиш қатнашчилари!

Мен Президент сифатида иш бошлаган биринчи кунданоқ "Биз халқимизга хизмат қилгани келганмиз. Биз халқимизни рози қилиш учун келганмиз", деган гапларни доим такрорлайман.

Биз ислоҳотларни бошлаган пайтда, ўзимиз тасаввур ҳам қилмаган жуда кўп муаммо ва синовларга дуч келдик. Уларга эл-юртимиз билан биргаликда ечим топиб, ҳар бир масалани жойида ҳал қилиб боряпмиз. Чунки, янгиланган Конституциямизнинг маъно-мазмуни, бош мақсади ҳам халқимизнинг фаровон ҳаёт кечириши учун муносиб шароит яратиб беришдан иборатдир. Бу мақсад йўлида қанчалик оғир бўлмасин, зарур маблағларни, керак бўлса, ортиқчаси билан топиб, барча имкониятларни ишга солаяпмиз.

Халқимизнинг ўзи – энг адолатли ҳакам. Мен аминман, бугун юртимиздаги ҳар бир инсон "ҳаётимда ижобий ўзгариш бўлмоқда", деб айта олади.

Бугун биз тарихнинг янада масъулиятли ва ҳал қилувчи палласида турибмиз. Мамлакатимиз тараққиётида мутлақо янги даврга қадам қўймоқдамиз. Чунки, янгиланган Конституциямизни қабул қилиш билан биз Учинчи Ренессанс учун ҳуқуқий пойдевор яратдик. Бугун халқимиз интилаётган ана шу буюк мақсадни амалга оширишга муносиб ҳисса қўшаман, деган ҳар бир юртдошимиз, аввало, ушбу пойдеворга таяниб, ҳаракат қилиши лозим.

Айниқса, униб-ўсиб келаётган ёш авлодимизнинг орзу-интилишларини рўёбга чиқаришда, ёшларимиз келажаги учун мустаҳкам замин ҳозирлашда Асосий қонунимиз уларга беқиёс имкониятлар очиб беради.

Шу муносабат билан, мен бугун иккита муҳим фармонни имзоладим.

Биринчи фармон янгиланган Конституциямизни ҳаётга жорий этиш, ижросини таъминлаш учун унинг мазмун-моҳиятини халқимиз ўртасида кенг тарғиб қилиш бўйича аниқ вазифаларни назарда тутади.

Шу маънода, Бош қонунимизнинг ҳар бир банди ва моддасини жамиятимиз, айниқса, ёшларимиз учун ҳаёт қоидасига айлантириш, бу борада уларнинг тушунча ва тасаввурларини кенгайтириш, ҳар бир маҳалла, таълим маскани, ташкилот ва корхонада чуқур ўрганиш мақсадида ўқув дастурлари, дарслик ва қўлланмалар яратиш зарур.

Шу билан бирга, янгиланган Конституциянинг 128-моддасида мамлакат Президентига берилган ваколатдан фойдаланиб, мен иккинчи муҳим Фармонни имзоладим. Унга мувофиқ, юртимизда муддатидан илгари Президент сайлови ўтказилади.

Бундай қарорга келиш учун қандай объектив зарурат бор, деган савол туғилиши табиий, албатта.

Нима учун, қолган уч ярим йиллик Президентлик муддатидан ўз ташаббусим билан воз кечаяпман? Чунки, ўзингиз кўриб турибсиз, Асосий қонунимизга мувофиқ, биринчидан, ҳокимиятнинг барча бўғинлари ислоҳ қилиниб, улар ўртасидаги муносабат ва мувозанат жиддий ўзгармоқда.

Иккинчидан, янгиланган Конституциямиз Президент, парламент, ҳукумат, вазирлар, ҳокимлар олдига кечиктириб бўлмайдиган янги сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий вазифаларни қўймоқда.

Учинчидан, халқимиз биздан барча соҳаларда ғоят муҳим ва долзарб ўзгариш ва ислоҳотларни кутмоқда.

Тўртинчидан, дунёда ва минтақамизда кескин ва мураккаб жараёнлар ҳукм сураётган ҳозирги вазиятда тўғри ва самарали ривожланиш йўлини излаб топиш ва уни амалга ошириш энг ўткир ва долзарб масалага айланмоқда.

Шу муносабат билан бутун халқимизга мурожаат қилмоқчиман.

Азиз ва муҳтарам ватандошлар, барчангиз кўриб турибсиз, олдимизга бугун янада улкан марралар қўймоқдамиз.

Бундан буён ҳам жамият ва давлат ҳаёти, бугунги ва келгуси тараққиётига оид ҳар бир масала бўйича фақат ва фақат сизлар, донишманд, бағрикенг халқимиз билан бамаслаҳат иш олиб борамиз.

Асосий қонунимизда халқ – давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи, деб бежиз ёзилмаган. Шу нуқтаи назардан, янгиланган давлат ҳокимияти тизимида халқимиз, яна бир бор айтаман, фақат халқимиз ўзи ишонган раҳбарга мандат бериши мақсадга мувофиқ.

Ўйлайманки, бугунги мавжуд шароитда бу – энг тўғри ва адолатли қарор бўлади.

Сайловлар қонунга тўла мувофиқ ҳолда, очиқ ва ошкора тарзда ўтказилади. Бунда сиёсий партиялар, Президентликка номзодлар юртимиз тинчлиги ва унинг равнақига, халқимиз фаровонлигига хизмат қиладиган янги ғоя ва ташаббуслар билан майдонга чиқадилар, деб ишонаман.

Қадрли юртдошлар!

Шу ўринда бир фикрни яна таъкидлаб айтмоқчиман: кўзлаган марраларимиз қанчалик юксак ва мураккаб бўлмасин, уларга эришиш учун бизда барча имкониятлар бор.

Буюк аждодларимиз мероси, халқимизнинг бунёдкорлик қудрати, интеллектуал ва маънавий салоҳияти, унинг меҳнатсеварлик ва тадбиркорлик фазилати бу йўлда бизга куч-қудрат манбаи бўлиб хизмат қилади.

Ишончим комил, сизлар билан, бутун халқимиз билан эзгу мақсадларимизга албатта етамиз. Янги Ўзбекистонни барчамиз бир ёқадан бош чиқариб, аҳил ва ҳамжиҳат бўлиб, биргаликда қурамиз.

Мана шундай улуғ мақсад йўлида ҳаммангизга сиҳат-саломатлик, янги ютуқ ва зафарлар, оилавий бахт-саодат тилайман.

Яратганнинг ўзи барча олижаноб ишларимизда мададкор бўлсин!

Эътиборингиз учун раҳмат.

ЯНГИЛАНГАН КОНСТИТУЦИЯНИ ҲАЁТГА ЖОРИЙ ЭТИШ БЎЙИЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

(Боши 1-саҳифада)

Нуронийлар, ёлғиз кексалар, ногиронлиги бўлган инсонлар, алоҳида эътиборга муҳтож аҳоли қатламига ижтимоий хизматлар кўламини янада кенгайтирамиз. Иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендиялар миқдорини мунтазам ошириб борамиз, – деди Президент.

Янгиланган Конституцияда Ўзбекистон "ҳуқуқий давлат" деган тамойил ҳам қатъий қилиб белгиланиб, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари борасидаги нормалар 3 бараварга кўпайтирилди.

Шахсни суднинг қарорисиз 48 соатдан ортиқ муддат ушлаб туриш мумкин эмаслиги, одамларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш билан боғлиқ барча ҳаракатларга фақат суд қарори асосида йўл қўйилиши, айбланувчи ва судланувчиларнинг "сукут сақлаш" ҳуқуқи мустаҳкамланди.

"Инсон қадри учун" тамойили Конституцияда, қонунларимизда ва давлат идоралари фаолиятида бош мезон бўлиши шартлиги, инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати дахлсизлиги, ҳеч нарса уларни камситиш учун асос бўлиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилди.

– Бу – аввалambор барча соҳада қонун устуворлиги таъминланади, дегани. Бундан буён, қонунлардаги ноаниқликлар инсон фойдасига ҳал бўлади. Энг муҳими, "Қонун – муқаддас, ҳар қандай ҳолатда ҳам адолатни қарор топтириш шарт!" деган қараш жамиятнинг ҳар бир аъзоси, айниқса, мансабдорлар учун ҳаёт қоидасига айланиши керак, – деди давлатимиз раҳбари.

Янги таҳрирдаги Конституция Ўзбекистоннинг "демократик давлат" сифатидаги мақомини ҳам мустаҳкамлади.

Мамлакатимизда инсон ва бизнеснинг оғирини енгил қиладиган, уларга сифатли хизмат кўрсатадиган ихчам ва самарали бошқарув тизимини жорий этиш мақсадида кенг кўламли маъмурий ислоҳотлар бошланиб, ҳукумат ва вазирликлар ихчамлашди, иш услуби ўзгартирилди.

– Менинг энг катта ниятим – одамларни қийнаётган муаммоларни маҳалланинг ўзи ҳал қиладиган халқчил тизим яратиш. Шу боис, молия, солиқ, бандлик каби идораларнинг камида 30 фоиз ваколатларини маҳалла даражасига тушириш режа қилганмиз, – деди Президент.

Янгиланган Конституция парламент фаолиятида ҳам муҳим ўзгаришларни назарда тутади. Хусусан, давлат ҳокимияти тизимида бир-бирини тийиб туриш ва мувозанатни сақлаш мақсадида Олий Мажлис палаталарининг ваколатлари қайта кўриб чиқилиб, Қонунчилик палатасининг ваколатлари 5 тадан 12 тага, Сенатда эса, 14 тадан 18 тага кўпайди.

– Шу билан бирга, депутатларимиз асосий эътиборни қонунлар сифатини оширишга қаратиши, уларнинг ижросини самарали ташкил этишда ҳукумат билан биргаликда қаттиқ ишлаши керак. Сенатнинг фаолияти эса ҳудудлар билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш, маҳаллий кенгашларга ҳар томонлама кўмаклашиш, жойларда, айниқса, маҳаллаларда қонунларнинг ижросини таъминлашга йўналтирилиши зарур, – деди Шавкат Мирзиёев.

Янги таҳрирдаги Конституция миллатлар, конфессиялар ўртасида тотувлик ва хавфсизликни таъминлаш мақсадида Ўзбекистоннинг "дунёвий давлат" сифатидаги мақомини ҳам мустаҳкамлади. Халқимиз референдумда буни маъқуллади. Шу асосида, бундан буён ҳам, мамлакатимизда миллатлар, конфессиялар ўртасида тотувлик ва хавфсизликни таъминлаш сиёсати жадал давом эттирилиши, жамиятимизда ҳар қандай радикаллашувга мутлақо йўл қўйилмаслиги таъкидланди.

Йиғилишда янгиланган Конституцияни ҳаётга жорий этиш, ижросини таъминлаш бўйича вазифалар белгиланди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони имзоланган қайд этилди.

– Бош Қонунимизнинг ҳар бир банди ва моддасини жамиятимиз, айниқса, ёшларимиз учун ҳаёт қоидасига айлантириш, бу борада уларнинг тушунча ва тасаввурларини кенгайтириш, ҳар бир маҳалла, таълим муассасаси, ташкилот ва корхоналарда ўргатиш мақсадида ўқув дастурлари, дарслик ва қўлланмалар яратиш зарур, – деди Шавкат Мирзиёев.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари янгиланган Конституциянинг 128-моддасига мувофиқ, муддатидан илгари Президент сайлови ўтказиш ҳақида бутун халқимизга мурожаат қилди.

Президентимиз томонидан бундай қарорга келиш ва қолган уч ярим йиллик ваколат муддатидан ўз ташаббуси билан воз кечиш зарурати қуйидагича асослаб берилди:

биринчидан, ҳокимиятнинг барча бўғинлари ислоҳ қилиниб, улар ўртасидаги муносабат ва мувозанат жиддий ўзгармоқда;

иккинчидан, янгиланган Конституциямиз Президент, парламент, ҳукумат, вазирлар, ҳокимлар олдига кечиктириб бўлмайдиган янги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий вазифаларни қўймоқда;

учинчидан, халқимиз биздан барча соҳаларда ғоят муҳим ва долзарб ўзгариш ва ислоҳотларни кутмоқда;

тўртинчидан, дунёда ва минтақамизда кескин ва мураккаб жараёнлар ҳукм сураётган ҳозирги вазиятда тўғри ва самарали ривожланиш йўлини излаб топиш ва уни амалга ошириш энг ўткир ва долзарб масалага айланмоқда.

Бундай улкан вазифаларни муваффақиятли адо этиш учун янгиланган давлат ҳокимияти тизимида халқимиз ўзи ишонган раҳбарга мандат бериши мақсадга мувофиқлиги таъкидланди.

Йиғилиш иштирокчилари бу ташаббус Президентимизнинг ўзбек халқига, демократик принципларга бўлган чексиз ҳурмати ва садоқати намунаси эканини эътироф этди.

Шу билан бирга, муҳокамаларда муддатидан илгари Президент сайловини ўтказиш давлат ҳокимиятининг янгиланган Конституция талабларига мувофиқ замонавий ишлаши, халқ ҳокимиятчилиги принципининг тўлақонли амалга оширилишига хизмат қилиши таъкидланди.

Йиғилишда Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Конституциявий суд раҳбарлари ҳам сўзга чиқиб, Президентимиз томонидан илгари сурилган таклиф ва ташаббусларни қўллаб-қувватладилар.

Муҳокама якунида кўзланган марралар қанчалик юксак ва мураккаб бўлмасин, уларга эришиш учун бизда барча имкониятлар борлиги, буюк аждодларимиз мероси, халқимизнинг бунёдкорлик қудрати, интеллектуал ва маънавий салоҳияти, унинг тадбиркорлик фазилати бу йўлда бизга куч-қудрат манбаи бўлиши таъкидланди.

ЎзА

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ

МЕҲМОНЛАР ТАШРИФИНИ ХУШ КЎРУВЧИ ЖЎРА ОТА

1944 йилнинг кузида чироқчилик Жўра Ёдгоровнинг қўлига ҳарбий комиссариат томонидан фронтга чақирув қоғозини тутқазилди.

Уруш жанггоҳларида кўплаб йигитлар қатори тинчлигимиз учун мардонавор курашди. Ғалабани Германияда қарши олган отахон уруш вайроналарини тиклашда иштирок этиб, 1949 йилда қишлоғига қайтди. Урушдан қайтганида Жўра бобонинг кўкси орден ва медалларга тўла эди. Бироқ унинг даҳшатлари, йўқотилган сафдошлар хотираси қалбида бир умрга муҳрланди.

Урушдан сўнг отахон узоқ йиллар колхозда ишчи, Чироқчи почта алоқа тармоғида почтальон бўлиб ишлади. Ҳозирда фарзанду набиралари, чевараю эваралари, эл-юрти ардоғида кексалик гаштини сурмоқда.

Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 78 йиллиги муносабати билан, қолаверса, отахоннинг дуоларини олиш мақсадида келаётган меҳмонлар туфайли бугун отахон хонадони одатдагидан кўра гавжум.

Меҳмонлар ташрифини хуш кўрувчи Жўра ота эса уруш хотираларини сўзлаш билан бир қаторда, буюк неъмат бўлган тинчлигимизнинг нечоғли қадрли эканлиги, уни асраш учун ҳар бир инсон ҳаракат қилмоғи кераклиги ҳақида таъкидлашдан чарчамайди.

Жамшид НОРҚОБИЛОВ (ЎзА) олган сурат.

Ўзсаноатқурилишбанк – Ўзбекистондаги иккинчи йирик молия муассасаси

Қишлоқ аҳли қуёш билан баравар уйғонади

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ХИЗМАТИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Сир эмаски, олдинлари мамлакатимиз шошилинч тиббий ёрдам хизматида муаммолар талайгина эди. Аҳолидан бу борада кўплаб шикоятлар келиб тушарди.

Лўнда қилиб айтганда, одамлар бу хизматдан кўпинча норози бўларди ва бу ўринли ҳам эди. Негаки, тизимдаги техника ва технологиялар ҳар жиҳатдан эскиргани туфайли замон талабига жавоб бера олмасди. Умуман соҳа ислоҳотга муҳтож бир ҳолатга келиб қолганди. Шу боис ҳам тармоқда жиддий ислоҳотлар бошланди. Давлатимиз раҳбарининг соҳага оид қарор ва фармонлари асосида кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилди. Замонавий, ичида барча қулайликлари мавжуд автоуловлар харид қилинди, соҳага малакали мутахассислар жалб этилди. Буларнинг натижасида аҳвол босқичма-босқич ижобий томонга ўзгардики, бундан аҳоли ҳам мамнун бўла бошлади. Бугун ҳам соҳада ижобий ўзгаришлар жараёни изчил давом этмоқда. Соҳани янада такомиллаштириш, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини янада ошириш йўлида бор куч ва имкониятлар ишга солинмоқда. Бу борада экологик вазият ҳамон мураккаблигича қолаётган Оролбўйида ҳам эътиборга молик ишлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда Оролбўйи аҳолисига шошилинч тиббий ёрдам хизмати Республика Шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Қорақалпоғистон филиали, 13 та туман тиббиёт бирлашмасидаги Шошилинч тиббий ёрдам бўлими ва 3 та туман тиббиёт бирлашмаси қошидаги (Тўрткўл, Қўнғирот ва Чимбой туманлари) туманлараро қўшма шикастланиш ва ўткир қон-томир касалликлари маркази томонидан кўрсатилмоқда.

Республика Шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Қорақалпоғистон филиали 2002 йилдан буён фаолият кўрсатиб келади. Филиалда 137 нафар шифокор, 342 нафар ўрта тиббиёт ходими ва ҳамширалар хизмат қилади. Ўтган йили филиалнинг 2 нафар жарроҳлик ва нейрохирург шифокори дунёнинг ривожланган клиникаларида малака ошириб қайтди.

Иккита рақамли рентген ускунаси, 3 та лапараскоп, 1 та компьютер томография, замонавий лаборатория ускуналари билан таъминланган филиалда шошилинч ҳолатда олиб келинган беморларга Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган даволаш-диагностика стандартлари асосида даволаш ва диагностика хизматлари кўрсатилади. Биргина ўтган 2022 йил давомида беморларга жами 5 мингдан ортиқ жарроҳлик амалиётлари ўтказилиб, 500 дан ортиғи юқори технологияли жарроҳлик амалиётига тўғри келди.

Филиалимизда 2021 йили "Ezgu Amal" хайрия жамғармаси томонидан беғараз, жами қиймати 55 минг доллардан зиёд бўлган кислород станцияси ўрнатилиб, бугунги кунда ҳам беморларга ишлатилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 июлдаги "Аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан Тўрткўл, Қўнғирот ва Чимбой туманлараро қўшма шикастланиш ва ўткир қон-томир касалликлари марказларининг ташкил этилиши ҳам соҳадаги муҳим қадамлардан бир бўлди.

Тўрткўл туманлараро қўшма шикастланиш ва ўткир қон-томир касалликлари маркази 50 ўринга эга бўлиб, рентген, ИВЛ, видеогастроскоп, видеобронхоскоп, ЭКГ, бемор монитори ва лаборатория жиҳозлари олиб келинган ва бугунги кунда улардан самарали фойдаланилмоқда. Энг муҳими, марказ малакали мутахассислар билан етарлича таъминланган. Компьютер томография, ангиография, лаборатория, гемодиализ ускуналари учун мутахассислар ва комбустиолог, нейрохирург мутахассислари ихтисослаштириш курсларида қайта тайёрланган.

Худди шунингдек, Қўнғирот ҳамда Чимбой туманлараро қўшма шикастланиш ва ўткир қон-томир касалликлари марказлари ҳам 50 ўринга эга бўлиб, 9 таси реанимация ўринларини ташкил қилади. Ушбу марказлар ҳам зарур барча ускуналар билан жиҳозланган, зарур мутахассислар билан етарлича таъминланган. Бундан ташқари, туман тиббиёт бўлимлари қошидаги 13 та субфилиалларда ҳам ишлар белгиланган тартибда йўлга қўйилган.

Хулоса қилиб айтганда, Қорақалпоғистон Республикасида шошилинч тиббий ёрдам хизматини такомиллаштириш, унинг фаолият самарадорлиги ва тезкорлигини янада ошириш бўйича муҳим чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ этилмоқда.

– Албатта, аҳоли саломатлигини асраш, кўрсатилаётган шошилинч тиббий ёрдам сифатини мунтазам ошириб бориш муҳим вазифаларимиздандир, – дейди Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Қорақалпоғистон Республикаси филиали директори Саламат Бегалиев. – Моддий-техник базамизни мустаҳкамлаш, соҳага малакали мутахассисларни жалб қилишга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Саломатлик халқимизнинг энг катта бойлиги. Уни асраш, аҳолининг тиббий маданиятини муттасил ошириб бориш биз, тиббиёт соҳаси вакилларига жуда катта масъулият юклайди, албатта. Бу йўлда жамоамиз билан ҳамжиҳатликда бор куч-ғайратимизни ишга соламиз.

Ориф ЖУМАНОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

"Fitch Ratings"

ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК РЕЙТИНГИ ИСТИҚБОЛИНИ "БАРҚАРОР", ДЕЯ ТАСДИҚЛАДИ

"Fitch Ratings" халқаро рейтинг агентлиги Ўзсаноатқурилишбанк кредит рейтингини мамлакат суверен рейтинги даражасида – "BB-", истиқболи "барқарор" дея, тасдиқлади. Ушбу рейтинг банк фаолияти самарали ривожланаётгани ҳамда унинг активлари барқарор ўсаётганлигини ифодалайди.

Дунёдаги геосиёсий вазият билан боғлиқ иқтисодий хавфларга қарамай Ўзсаноатқурилишбанк 2022 йил якуни бўйича барқарор прогнозини сақлаб қолди. Бу ҳолат портфелдаги кредитлар бўйича давлат кафолатлари мавжудлиги муносабати билан банк активлари сифатига нисбатан хатарлар юмшатилганлигини назарда тутади. Яъни, агентлик экспертлари Ўзсаноатқурилишбанк кредит рейтингини тасдиқлашда ишончлиликнинг асосий омиллари қаторида унинг Ўзбекистон ҳукумати томонидан қўллаб-қувватланишини таъкидлади. Ўзсаноатқурилишбанк яқин бир неча йилда хусусийлаштирилади, шунингдек, заруратга қараб юқоридаги қўллаб-қувватлаш банкнинг асосий акциядорлари орқали йўналтирилиши мумкин, дейилади агентлик хабарида.

Ўзсаноатқурилишбанк Ўзбекистондаги иккинчи йирик молия муассасаси ҳисобланади. Ўтган йил якунига кўра, банк секторидаги активлар ва кредитларнинг 12 фоизи ушбу банк улушига тўғри келади. Шунингдек, у мамлакатда молия тизимини шакллантиришга ва давлатнинг стратегик лойиҳаларини амалга оширишга катта ҳисса қўшмоқда. Бундан ташқари, банк асосий стратегик тармоқларда кучли корпоратив ўрнини сақлаб қолиш билан бирга, ўз фаолиятини хусусийлаштириш мақсадида кичик ва ўрта бизнес ҳамда чакана кредитлаш соҳаларида тижорат фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Банк ахборот хизмати

МИЛЛИЙ ГВАРДИЯ ХОДИМЛАРИГА ЯНГИ УЙ ТОПШИРИЛДИ

Нукус шаҳридаги "Гоне қала" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида Миллий гвардиянинг Қорақалпоғистон Республикаси бўйича бошқармаси ходимлари учун янги уй фойдаланишга топширилди.

Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси А.Оринбаев иштирок этиб, миллий гвардиянинг Қорақалпоғистон Республикаси бўйича бошқармасининг 30 нафар ходимига янги хонадонлар калитини топширди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ҳарбий шаҳарчаларни ободонлаштириш, замонавий инфратузилмани такомиллаштириш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимиз мудофаа қудратини ошириш, Ватанимиз сарҳадлари дахлсизлиги, аҳолининг фаровон ҳаётини таъминлашда ҳарбий хизматчиларнинг хизмати беқиёсдир. Осойишталик посбонларини қўллаб-қувватлаш мақсадида имтиёзли ипотека кредити асосида қуриб битказилган кўп қаватли уй-жойнинг бошланғич бадали давлат томонидан тўлаб берилиши ушбу эътиборнинг яна бир намунасидир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарори асосида 7 миллиард сўм маблағ ажратилди ва шунинг ҳисобидан 5 қаватли, 30 хонадонли уй-жой қуриб битказилди. Ҳар бири 2, 3 ва 4 хонали уйларда Миллий гвардия ходимларининг оила аъзолари учун барча шарт-шароит яратилган.

Тадбир иштирокчилари янги уйда яратилган шарт-шароитлар билан танишди.

Довуд АБИБУЛЛАЕВ,
ЎзА мухбири.

Қишлоқ соғинчи

ВАТАННИ СЕВИШНИ ҚИШЛОҒИМНИ СЕВИШДАН БОШЛАГАНМАН

Эрта тонг қушларнинг сайраши, қуёшнинг шарқдан секин қизғиш нурларини кўз-кўз қилиб бош кўтариши, хўрозларнинг қичқиришлари, нафис ва мусаффо ҳавонинг ҳовли чеккасида ўсган райҳоннинг хушбўй ифори билан бирга атрофни қоплаб олиши...

Сурат facebook ижтимоий тармоғидан олинди.

Ҳа, қишлоқда ана шундай гўзал тонг отади. Меҳнаткаш аёллар, болажонлар қишлоқ аҳолисининг бари қуёш билан баравар уйғонади. Тонг саҳарлаб ўйнашга югурган болаларнинг юз-кўзлари тонги шабнамда ювилади. Онасига талпинган бузоқчанинг оғзи оқарганидан сўнг болажонлар учун сут соғилиб, қозонга солинади. Қизиб турган тандирда ёпилган иссиқ нонлар тонг ҳавоси билан уйғунлашиб, бутун қишлоқ кўчаларини кезиб димоғни қитиқлайди. Тонг ана шундай ўзига хос завқли меҳнатлар билан бошланади. Улар қуёш тикка кўтарилмай саҳарги салқинликда барча ишларини тугатишга ҳаракат қиладилар. Одамлар бир қарич ерни ҳам қадрлайдилар, унумли фойдаланадилар. Қишнинг қаҳратони етиб келмагунча томорқа ерлари ҳосилдан бўшамайди.

Мен қишлоқда яшашни бахт деб биламан. Бу бахтдан эса ҳар ким баҳраманд бўлишга ҳақли. Ахир, нега баъзилар умрининг охиригача сут ва қатиқнинг қандай олиниши ёхуд экинларнинг қандай экилиши-ю, йиғим-теримини билмай, кўрмай ўтиши керак? Буларни кўриб, ҳис қилишнинг ҳам ўзига яраша завқи бор. Мен қишлоқда туғилгаман, шу сабабли она қишлоғимни, унинг мафтункор табиатини, меҳмондўст халқимни жуда яхши кўраман. Халқим ҳақиқатдан ҳам меҳмондўст, бунга қишлоқда ўтказиладиган тўйлар яққол мисол бўла олади. Тўй бор кунлари эрта тонгдан жарчининг "Фалончининг уйига ҳамма тўйга", деган гапи етарли, қарабсизки, ёшу қари тўй соҳибининг уйи томон йўл олади. Барча тўйда хизматда бўлади. Қишлоқнинг файзли тўйлари ана шундай мусаффо осмон остида ўтади.

Шундай ажиб масканни севмай, кўнгил бермай бўладими ? Болалигим ана шундай беғуборликда, қишлоғимнинг бағрида ҳар кунимни завқли ўтказиш билан ўтган. Ватанни севишни қишлоғимни севишдан бошлаганман. Ватан туйғуси инсон билан бирга ўсиб, улғаяркан. Болалигим чопқилаган, ёзда тупроқ, қишда лой бўлса-да, юрагимнинг бир парчаси бўлган қишлоқ кўчасидан ташқарига чиққанимда, юрагимда кучли бир туйғу ғалаён кўтаради. Дўппидек қишлоғим менинг болалигимни, беғубор шўхлигимни, ўйинлардаги "амма-холалигимни" олиб қолди. Фақат менга осмон-осмон орзуларимни берди. Орзулар карвони мени Тошкент томон олиб кетди. Ҳа, шунда тушуниб етдим, Ватан соғинчи нима эканлигини, юртидан айрилган девоналарни. Қани, иложи бўлса, ўша "кичик қишлоғимни"ни ўзим билан олиб юрсам, айрилмасам. Шундай хаёлларимдан, "содда кўнглим" орзусидан беихтиёр кулгим келади. Ҳа, мен Ватан соғинчини ҳис қилдим, мен у туйғуни уйимдан у қадар ҳам узоқ бўлмаган шаҳарда, юрагимдан ўтказдим.

Мен пойтахт кўчаларининг ҳар қадамидан қишлоғимни изладим, шарқироқ сойларини қумсадим. Гарчи бир пайтлар унинг бағрига ҳар лаҳза талпиниб, шаҳарга ғойибона мактублар битган бўлсам-да, митти қишлоқчамнинг соғинчи менга тутқич бермади. Шу ўринда қаердадир ўқиб қолган бир сатрим эсимга тушди: "Ватанни олиб кетиб бўлмайди. Фақат соғинч ва армонларингизни олиб кетасиз. Агар Ватанни хуржун каби олиб юриш ва ташлаб кетиш мумкин бўлганида, у сариқ чақага ҳам арзимасди". Ватанни соғиниш унга бўлган муҳаббатнинг белгисидир. Ҳар бир инсон Ватандан узоқлашганда унинг соғинчини туйиб, халқни онасидек, боласидек суйиб, яшасин. Мен шу ватан соғинчини кичик ватаним бўлмиш қишлиғимнинг бағридан узоқлашганда туйдим. Бу тупроқ бизники, шу осмон бизники, эркимиз, қудратимиз ўзимизники. Ва албатта, шу Ватан равнақи, шу юрт келажагини яратишдек масъулият ҳам бизники.

Қишлиғимнинг матонатли аёллари юзида ҳамиша самимий табассум бўлади. Гарчи қўллари кетмонда қаварган, қуёшнинг қизғиш нури юзларини қорайтирган бўлсада, улар меҳнатдан қочмайдилар. Хурсандчилигу қувонч билан кун кечирадилар. Ҳар кунини гўзал ўтказишга уринадилар.

Ҳа, ўзбегимнинг аёли ана шундай матонатли, ҳар ишга улгурадиган саранжом сариштадир. Мен ана шундай қишлоқнинг қизи эканлигимдан фахрланаман.

Ҳа, мен қишлоқда ўсдим, қишлоқ мени ўстирди, кенг далалар бағрида ўсдим, қучоқ-қучоқ пахталарни кўриб севиндим, бувим ёпган ширмой нонларнинг таъмини ҳар лаҳзада ҳис қилдим. Қаерда бўлмай фақат мўъжаз қишлоғимнинг хаёли билан унинг гўзал тасвирини мадҳ этдим. Қуёш ботишини кўзим билан кўрганим, митти қушлар хонишига сармаст бўлганим менинг катта бахтим. Ва шу бахтлилар қаторида эканлигимдан ҳамиша ғурурланаман.

Занжилой АБДУСАЛАМОВА,
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети талабаси.

Ушбу маҳсулотни харид қилинг ва экинлардан мўл ҳосил олинг!

Реклама

МАГНИЙ БИЛАН МОДИФИКАЦИЯЛАНГАН КАРБАМИД

Ts 00203068-74:2018 (ТН ВЭД коди 310210 1000)

Магний билан модификацияланган карбамид минерал ўғит сифатида қишлоқ хўжалиги ва чакана савдо учун мўлжалланган бўлиб, у ўзининг физик-кимёвий кўрсаткичлари бўйича жадвалда кўрсатилган талаб ва меъёрларга мос келади:

Кўрсаткичлар номи	Меъёри
Ташқи кўриниши	Оқ ёки оч рангли доналар ёки кристаллар
Азотнинг қуруқ моддага қайта ҳисобланганда масса улуши, %, кам эмас	46,0
Биуретнинг масса улуши, %, ортиқ эмас	1,4
Сувнинг масса улуши, %, ортиқ эмас: - гигроскопик - умумий	 0,3 0,5
Сочилувчанлиги, %,	100
Гануламетрик таркиби, %: Доналарнинг масса улуши,mm: - 1 дан 4 гача, кам эмас - 2 дан 4 гача, кам эмас - 1 дан кам, кўп эмас - 6 mm элакдаги қолдиғдан ортиқ емас	 94 70 3 йўқ
Доналарнинг статик қаттиқлиги, MPa (kgf/cm^2), кам эмас ёки 1 донага қайта ҳисоблаганда, N ,(kgf), кам эмас	1,4(14) 7 (0,7)
Магний сульфатининг масса улуши ($MgSO_4$), %, кам эмас	0,02

Хавфсизлик талаблари: Магний билан модификацияланган карбамид нормал шароитда ёнмайди, ёнғиндан ва портлашдан хавфсиз. Одам организмига таъсир жиҳатидан ўртача хавфли модданинг 3-синфига киради.

Қадоқлаш: Магний билан модификацияланган карбамид 50±1 kg.дан ортиқ бўлмаган полипропилен қопларга ва 2 тоннагача бўлган биг-бегларга қадоқланади.

Сақланиши: Магний билан модификацияланган карбамид ёпиқ, яхши шамолланадиган ва ёғингарчиликлардан ҳимояланган омборхоналарда сақланиши керак.

Ташиш: Маҳсулот қадоқланмаган ва қадоқланган ҳолда барча турдаги транспортларда, ташиладиган транспортнинг ташиш қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда ташилади.

Кафолатланган сақлаш муддати: Ишлаб чиқарилган кундан бошлаб – 6 ой, чакана савдо учун – 2 йил.

Ўсимликларга элементларнинг таъсири ва аҳамияти

АЗОТ (N)

Азот – ўсимликларнинг моддалар алмашинувида муҳим ўрин тутадиган модда ҳисобланади, шунингдек, органик азотли бирикмалар, оқсиллар, ферментлар, нуклеин кислоталар, хлорофиллар, алкалоидлар, кўп турдаги витаминлар ва бошқа моддалар таркибига киради.

Ўсимлик жадал ўсиш даврида ҳамда вегетатив аъзолари (шох ва барг) ҳосил бўлиш жараёнида азотни кўп миқдорда қабул қилади ва ўзлаштиради.

Ўсимликларга таъсири. Азот билан таъминланганлик ўсиш жараёнини, ўсимликдаги оқсил ва бошқа азотли органик бирикмалар синтезининг ҳажми ва интенсивлигини белгилайди. Азот етишмовчилиги айниқса, вегетатив аъзоларнинг ўсишига таъсир кўрсатади. Фотосинтезловчи аппарат – барг ва шохнинг азот етишмовчилиги натижасида кучсиз ривожланиши, ўз навбатида, ҳосил берувчи органларнинг шаклланишини чеклайди ва ҳосилдорликнинг пасайиши ва маҳсулотдаги оқсилнинг камайишига олиб келади.

Азот танқислиги. Асосий белгилари хлорофиллнинг ҳосил бўлишидаги бузилишлар натижасида вегетатив аъзоларнинг ўсиши сустлашиши ва оч-яшил ёки сариғ-яшил баргларнинг ҳосил бўлиши билан намоён бўлади.

Азот кўплиги. Азот билан ортиқча таъминланиш вегетатив массанинг ортиб кетишига, ҳосилнинг камайиши ва сифатининг ёмонлашишига олиб келади. Қанд лавлагининг таркибида шакар концентрацияси пасайиб, шакар олиш жараёнида "зарарли" нооқсил азотнинг кўпайишига, картошкадаги крахмалнинг камайишига, сабзавот ва полиз экинларида инсон ва ҳайвонлар учун зарарли нитратларнинг йиғилишига олиб келади.

ОЛТИНГУГУРТ (S)

Олтингугурт ўсимликлар ҳаётида муҳим ўрин тутади. Унинг асосий қисми ўсимлик оқсилларида мавжуд: аминокислоталар ва органик бирлашмалар – ферментлар, витаминлар, ёғлар таркибига киради. Олтингугурт ўсимликлардаги азот ва углеводлар алмашинувида, нафас олиш ва ёғларни синтез қилишда иштирок этади.

Ўсимликларга физиологик аҳамияти бўйича олтингугуртни азот ва фосфордан кейин учинчи ўринга қўйса бўлади. Бир қатор россиялик ва чет эллик олимларнинг маълумотига кўра, донли экинларда кўпинча учрайдиган олтингугурт танқислиги ишлаб чиқарувчилар томонидан азот танқислиги сифатида қабул қилинар экан.

Олтингугурт маҳсулотнинг сифатига ижобий таъсир кўрсатади – буғдойдаги клейковина фоизининг ортишига кўмак бўлади, кунгабоқар ва соядаги ёғ миқдорини кўпайтиради.

Олтингугурт танқислигида ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши ёмонлашиб, узун шохларда майда, оч сариқ тусли барглар ҳосил бўлади. Буғдойдаги тажрибалардан маълумки, вегитация давридаги олтингугурт танқислиги фотосинтезнинг камайиши, ҳосилдорлик ва дон сифати камайишини келтириб чиқаради.

Олтингугурт кўплигида барглар четидан сарғайиб бориб, ички томонига ўралиб қолади, сўнгра тўқ тус ранг олиб ривожланмайди.

МАГНИЙ (MgO)

Магний. Бу мезоэлемент ўсимлик ривожида муҳим ўрин тутади. У ўсимликнинг ўсиш жараёнида ва ҳосилнинг таъмга киришида муҳим восита сифатида рол ўйнайди. Магний хлорофилл таркибига кириб, фотосинтез жараёнида бевосита иштирок этади. Хлорофилл таркибида магний ўсимликнинг умумий яшил қисмлари таркибида 2,7 фоиз атрофида бўлади. Шунингдек ушбу мезоэлемент ўсимлик озиқланиши учун ҳам керак бўлиб, магнийли ўғитларда фаол озиқлантирувчи модда ҳисобланади.

Магнийли ўғитларни хуш кўрувчи ўсимликлар: бошоқли ўсимликлар, картошка, соя ва бошқа дуккакли ўсимликлар, колза, сабзавотлар ҳамда мевали экинлар.

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ

МАКТАБ ЖАМОАСИ СОБИҚ ЎҚУВЧИСИНИ ҚАДРЛАДИ

Ғузор туманидаги 1-ихтисослашган давлат умумталим мактаби жамоаси 9 май "Хотира ва қадрлаш куни" арафасида ўзларининг собиқ ўқувчилари Январ Иноятов билан учрашувга тўпландилар. Туманда 1938 йил 30 январда туғилган Я.Иноятов жуда оғир ва мураккаб йўлни босиб ўтган. Ёшлиги Иккинчи жаҳон уруши йилларга тўғри келган бу инсон айнан 1944 йили отасидан ҳам жудо бўлиб қолади.

Олис Деҳқонобод туманида ўз турмуш ўртоғидан ажралиб, ўша жойда у кишини дафн қилиб, ёлғиз қолган онаси икки ўғил ва уч қизини етаклаб кўрпа-тўшагини бисотидаги бир бош сигирига ортиб Ғузорга келади. Болаларини боқиш учун сигирни ҳам сотиб тирикчилик қилган аёл тумандаги болалар уйига ишга киради ва болаларини ҳам бу маскан тарбиясига беради. Бор кучини ўз болалари тарбиясига бағишлаган она уларнинг мактабда яхши ўқишлари учун шароит яратишга қаратади. Онасининг ғамхўрлиги остида Январ Иноятов 1-ўрта мактабда яхши таълим олади.

Олий маълумотли агроном бўлишни мақсад қилган ўқувчи Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтга ўқишга киради. Институтни тамомлаган ёш мутахассис Ғузор тумани қишлоқ хўжалиги бошқармасига ишга киради. Кўп ўтмасдан уни ёшлар ташкилотида ишлашга ўтказишади. Я.Иноятовдаги тиришқоқлик, ташкилотчилик раҳбарларнинг эътиборига тушади ва у Қашқадарё область партия комитетига ишга қабул қилинади. Мансаб пиллапояларидан юқори кўтарилиб борган ёш мутахассис Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида ишлаб, тажриба тўплайди ва янгидан ташкил қилинган Деҳқонобод туманига раҳбар қилиб жўнатилади. Кейинчалик Қашқадарё вилоятида юқори лавозимларда хизмат қилади, Шаҳрисабз туманини бошқаради. Ҳукуматнинг юқори мукофотлари ва унвонларига сазовор бўлади. У воҳанинг меҳнат фахрийлари уюшган "Нуроний" жамғармаси вилоят бўлими раиси сифатида ҳамон жамоат ишларида фаол иштирок этиб келмоқда.

Я.Иноятовнинг таржимаи ҳолидаги бу воқеалар мактаб ўқувчиларининг саҳна кўринишларида акс эттириб берилди. Қадрлаш тадбирига тўпланган қариялар, мактаб ўқувчилари ва ўқитувчилари истеъдодли ўқувчилар томонидан саҳнада намоён қилиб берилган ўтмишини кўриб кўзларида ёш билан ўтирган тадбир қаҳрамонини ҳавас билан кузатиб турдилар. Ўқувчилар ўзларининг собиқ мактабдошларига атаб ёзган шеърларини ўқиб беришди. У кишини табриклаш учун келган вилоят маҳалла ва оилани қўллаб-қуватлаш бошқармаси раҳбари Шуҳрат Турсунов, Республика маънавият-маърифат маркази вилоят бўлими бошлиғи Лола Садатова, Ғузор тумани ҳокими Бекзод Суюнов ва кўплаб сафдошлари Я.Иноятовнинг халқ олдидаги хизматларини таъкидлаб ўтдилар. Мактабда ўтказилган бу тадбир ўқувчилар учун эсда узоқ сақланиб қоладиган хотира бўлиши ва катта тарбиявий аҳамиятга эга эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Шаодат РИЗАЕВА,
Соҳиба ЧОРИЕВА,
Ғузор туманидаги 1-ИДУМ ўқитувчилари.

Агромаслаҳат

ҲАР БАҲОРДА ШУ БУЛАР ТАКРОР

ЁХУД ГИЛОС ҲОСИЛИ НЕГА КАМ?

Ҳар баҳор гилослар кўзни қувнатиб, қийғос гуллайди. Ич-ичимиздан хурсанд бўламиз: бу йил гилос ҳосили мўл бўлар экан. Аммо бир фурсат ўтиб, ҳафсаламиз пир бўлади. Кўрсакки, дарахт гуллари ёппасига тўкилиб кетган, яккам-дукками қолган бўлади. Хуш, бунга сабаб нима? Муаммо шундаки, гилоснинг айрим экспортбоп ва хўраки навлари ўзини-ўзи чанглата олмайди. Улар ташқи чангланишга муҳтож. Бундай ҳолатда нима қилиш керак? Энг яхши ечим бу гилослар орасига бошқа турдагисини экишдир. Чанглатиш учун синовдан ўтган энг яхши нав бу сариқ гилос бўлиб, у бошқа навли гилослар орасига экилса, дарахтлар яхши чангланиб, мўл ҳосил беради.

Qishloq hayoti

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси комплекси таркибидаги ҳамда бошқа дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Шавкат ҲАМРОЕВ, Азиз ВОИТОВ, Муҳаммаджон ТОШБОЛТАЕВ, Актам ХАИТОВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ *(бош муҳаррир ўринбосари)*, Раимқул СУЯРОВ *(бош муҳаррир ўринбосари)*.

Саҳифаловчи-дизайнер: Маркс ЮСУПОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.
Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.
НАШР ИНДЕКСИ – 144.
Буюртма Г-540. 1788 нусхада чоп этилди.

Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Телефонлар: Қабулхона – (0-371) 236-26-50, 233-09-93, 95-080-43-70, 99-050-69-45.
Реклама ва эълонлар – (0-371) 236-26-50, (0-371) 233-28-04.
e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru Баҳоси келишилган нархда.

ISSN 2010-7021

Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 21.10